



## МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Зокирова Азиза Норбобо қизи**

**Аннотатсия:** Мазкур мақола меҳнат бозорида таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш йўллари мавзусини ёритишга бағишланади. Шунингдек, мақолада бугунги кунда юртимизда меҳнат бозорида таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш бўйича кўрилаётган чора тadbирлар ва уларнинг натижалари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** *глобаллашув, мутахассислик, меҳнат бозори, таълим муассасалари, рақобатбардош, замонавий усуллар, илгор хориж Иажрибалари, инноватсия.*

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар салмоқли бўлди. Лекин глобаллашув шароитида жаҳонда рўй бераётган ўзгариш ва жараёнлар, барча соҳаларда рақобатнинг кучайиб бориши янада барқарор тараққиётни таъминлашни талаб этмоқда. Мана шу талаб янгича ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш зарурлигини юзага келтирмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларни амалга ошириш борасида мамлакатимизда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда айрим, ҳатто энг нуфузли олий таълим муассасалари битирувчиларининг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида ҳам муаммолар кузатилмоқда. Айрим ҳолларда бўш иш жойлари мавжуд бўлгани ҳолда ишчи кучининг иш берувчи томонидан қўйилаётган талабларига мос келмаслиги сабабли битирувчилар





бандлигининг таъминланмаслиги ҳолатлари юзага келмоқда. Бундан ташқари, олинган касблар ва мутахассисликлар ҳар доим ҳам меҳнат бозоридаги мавжуд ўзгариб бораётган талабга тўлиқ мос келавермайди. Бунинг натижасида ишсиз қолаётган ёшларнинг салмоғини ортишига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Айни вақтда саноат, савдо ва бошқа кўплаб хизмат кўрсатиш соҳаларида малакали ишчи кучининг етишмаслик ҳолатлари кузатилмоқда[1]. Ушбу муаммоларни асл сабабларини ўрганиш, таълим муассасаларининг битирувчиларини ўзгарувчан меҳнат бозори талабаларига жавоб берадиган рақобатбардош мутахассислар бўлиши учун республикамизда тизимли равишда ишлаб олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 22 декабрда Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир” бежиз таъкидламадилар. Дарҳақиқат, аҳолини, жумладан ёшларни сифатли билим олиши ва ўз навбатида меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлган етук ва юқори малакали кадр сифатида тайёрлаш борасида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар талайгина. Жумладан, бандликка кўмаклашиш ва ишга жойлашишга кўмаклашиш бўйича олиб борилаётган иш фаолиятининг эскирган шакл ва усулларидан фойдаланиш ханузгача давом этаётганлиги, бандлик муаммоларини ҳал этишда расмиятчиликнинг мавжудлиги олий таълим битирувчиларининг бандлигини таъминлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, битирувчилар бандлигини таъминлашда замонавий усуллардан фойдаланишни йўлга қўйиш, таълим билан ишлаб чиқариш интегратсиясини тўлиқ таъминлаш, илғор хориж тажрибаларини ўрганиб бориш ва амалиётга жорий этишни таъминлаш, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни тақозо этмоқда.





Таълим муассасалари битирувчиларини рақобатбардошлигида таълим муассасаларини ўзининг ҳам рақобатбардошлиги муҳим ҳисобланади. Таълим муассасалари рақобатбардошлиги унинг меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш қобилияти билан тавсифланади[2]. Таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини қуйидаги қобилият сифатида ҳам аниқлаш мумкин:

- ўз соҳасида рақобатбардош инноватсияларни ишлаб чиқиш;
- ўз фаолиятининг барча соҳаларида самарали такрор ишлаб чиқариш сиёсатини олиб бориш.

Таълим хизматлари бозорида рақобатнинг кескинлашуви таълим муассасалари рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берадиган омилларни аниқлаш зарурлигини тақозо этмоқда. Динамик имкониятлар - бу таълим муассасаларининг макро ва микро муҳитдаги ўзгаришларга тезда жавоб бериш қобилияти. Таълим муассасаларининг ташқи афзалликлари потенсиал истеъмолчилар учун қийматли ташкил этувчи таълим хизматлари ва маҳсулотларининг ўзига хос фазилатларига асосланади. Буларга қуйидагилар киради:

- таълим хизматларининг потенсиал истеъмолчилари (мактаб, литсей, коллеж, фирма ва ташкилотлар) билан ҳамкорлик қилиш;
- давлат органлари билан алоқалар;
- таълим дастурларини зарур миқдорда молиялаштиришни таъминлаш;
- Университет профессор-ўқитувчиларининг турли уюшма ва жамиятларга аъзолиги.

Ички афзалликларга таълим муассасалари учун рақобатчилардан устунлик яратувчи омиллар киради: мутахассисларни тайёрлаш сифат даражаси, профессор-ўқитувчиларнинг малакаси, моддий-техника базасининг мавжудлиги, инноватсиялар ва бошқалар[3]. Меҳнат бозорида





таълим муассасалари битиручиларининг рақобатбардошлигини ошириш тўғридан тўғри таълим сифати билан боғлиқ. Республикамизда ҳам таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, таълимнинг барча босқичларида меҳнат бозорининг талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган мутахассисларни ўқитиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да мактабгача таълим босқичидан олий таълим муассасалари босқичига сифатли таълим имкониятларини кенгайтириш, меҳнат бозорида талабгир касблар, мутахассисликлар асосида квоталарни белгилаш механизми фармонда ўз аксини топган (Фармон, 2022).

Таҳлиллардан олинган натижалар шарҳида олимлар И.В. Андреев фикрига кўра (2004) рақобатбардош шахс рақобат курашида уларнинг афзалликлари ва алоҳида шахсий фазилатларини аниқлаш, тез ва самарали фойдаланиш қобилияти демакдир. “Рақобатбардош мутахассис” эса ўз фаолиятининг юқори сифати ва самарадорлиги, шунингдек, рақобатдошлик, рақобат ва рақобатчилар билан қизғин кураш шароитида этакчилик қилиш истаги ва қобилияти билан ажралиб турадиган шахс. Н.В.Борисова таърифига кўра (2009) “рақобатбардош мутахассис” бу Қуйидаги каби хусусиятларни ўз ичига олиши мумкин бўлган мутахассис: мақсад ва қиймат йўналишларининг қиймати, меҳнатсеварлик, меҳнатга ижодий муносабат; таваккал қилиш қобилияти, қарор қабул қилишда мустақиллик; этакчи бўлиш қобилияти; доимий ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти; касбий ривожланиш истаги; якуний маҳсулотнинг юқори сифатига интилиш; стрессга қаршилиқ.

“Рақобатбардош мутахассис” Турли соҳаларда мақсадларга эриша оладиган мутахассис, касбий муаммоларнинг катта синфини ҳал қилиш усулларига эга бўлганлиги сабабли тез ўзгарувчан вазиятлар. Бошқалар





билан таққослаганда, ҳақиқатга тезда мослашишга ва профессионал функцияларни самаралироқ бажаришга имкон берадиган билим, кўникма, касбий аҳамиятга эга шахсий фазилатлар тизими янада мукамалдир. Биз меҳнат бозорида таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлиги бўйича олимларимизнинг қарашлари кўриб чиқдик ва таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлиги бўйича қуйидаги муаллифлик ёндашувини маъқул топдик. Меҳнат бозорида таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлигини унинг кометентсиялари белгилар экан, мутахассиснинг рақобатбардошлик кўрсаткичларини соҳалар ва тармоқлар бўйиса ихтиссослаштириш лозимдир[4]. Таҳлилимиз натижасида битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш меҳнат бозорида таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлиги меҳнат бозорининг ва иш берувчиларининг мутатассисларга талабининг мослиги таъминлаш, меҳнат бозорида таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлиги даражасининг ортиши ёш мутахассисларнинг қўнимлилигини таъминлаш, мутахассисларнинг рақобатбардошлиги корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий барқарорлигини ошириш, меҳнат имкониятларини кенгайтириш ва иш ҳақини кўтарилишига олиб келиши, корхоналарда мутахассисларнинг рақобатбардошлиги даражаларини юқорилиги уларнинг мартаба ўсишдаги имкониятларини кенгайтириши мумкин.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва билдирилган фикрларни умумлаштириб шунини хулоса қилишимиз мумкинки, олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва рақобатбардошлигини оширишда меҳнат бозорида мунтазам равишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда қисқа ва узок муддатли истиқбол учун прогнозларни ишлаб чиқиш зарурдир. Шунингдек, университет рейтингини кўтариш бўйича амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш (ўқув режа





ва дастурлари тақдимоти, потентсиал иш берувчилар ва ҳамкорлар, турли йиллардаги битирувчилар билан учрашувларни ташкил қилиш), олий маълумотга эга бўлмоқчи талабгорларни доимий равишда эҳтиёж юқори бўлган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича хабардор қилиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзакаримова М., Рахимова У. Касбий таълим тизими битирувчилари меҳнат бозорига маркетинг ёндашуви (ёки соҳани модернизатсиялашнинг айрим жиҳатлари). Таълим, фан ва инноватсия, 2/2016. 39-б.
2. Максимова, Е.А. Формирование конкурентоспособности будущих менеджеров в условиях учреждения среднего профессионального образования: дисс. ... канд. пед. наук, 2006.
3. Бунимович, Н.Т. Формирование конкурентоспособности в условиях образовательных реформ / Н.Т. Бунимович, С.Н. Табунов // Педагогика. - 2007. - № 6.
4. Андреев, В.И. Конкурентология: Учебный курс для творческого саморазвития конкурентоспособности. – Казань: Тсентр инноватсионных технологий, 2004.

